O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 14 март, №59 (3171) Жума


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 13 март куни Оқсаройда Мексика Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рауль Фортунанто Кардосо Майкот Ишонч ёрлиғи топширди.

Ислом Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланиши билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Мексика ўртасида кўплаб соҳаларда, хусусан, халқаро ташкилотлар доирасида сиёсий ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Мексиканинг ЭКОСОС (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши) ҳамда Жаҳон метеорология ташкилоти Ижроия кенгашига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаган. Мексика томони эса Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг йиллик мажлисини Тошкентда ўтказишга хайрихоҳлик билдирган.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2000 йилдан буён ҳар йили бир неча ўзбекистонлик талаба Мексика ҳукумати грантлари асосида ушбу мамлакатнинг олий ўқув юртларига ўқишга жўнатилмоқда.

Президентнинг Мексика элчиси билан суҳбатида савдо, сармоя, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Хорватия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Амир Мухаремидан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Учрашувда Ўзбекистон ҳам, Хорватия ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланди. Европа марказида жойлашган Хорватия 2004 йили Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон билан Хорватия бир-бири учун ўз минтақасидаги дарвоза вазифасини ўташи мумкин.

Амир Мухареми самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон-Хорватия муносабатларини ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Словения Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Франци Демшар Ишонч ёрлиғи топширди.

Словения ҳам 2004 йили Европа Иттифоқи ва НАТО аъзолигига қабул қилинади. Президент Ислом Каримов элчи билан суҳбатда бу воқеа Ўзбекистон-Словения алоқалари ва умуман мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар очишини таъкидлади.

Ф.Демшар ўз мамлакатининг ҳукумати Ўзбекистонга нуфузли делегация жўнатиб, ҳамкорликни кенгайтириш борасида музокара ўтказиш ва эришилган келишувлар бўйича ҳужжатлар имзолашни режалаштираётганини маълум қилди.

Президент Ислом Каримов Словения элчисига бошлаётган хайрли ишларида муваффақият тилади.

* * *

13 март куни Президент Ислом Каримов Норвегия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ойвинд Нордслеттендан ҳам Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Сўнгги пайтда Норвегия томони Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига эътиборни кучайтирмоқда. Мамлакатларимизда эса биргаликда ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар анчагина. Шу жиҳатдан Норвегиянинг "Кверненланд" муҳандислик ва қурилиш гуруҳи, "Никомед Дак" фармацевтика фирмаси, "Гронер Карри энд Браун" нефть-кимё саноати корхонаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишга қизиқиш билдираётгани алоҳида эътиборга молик.

Президент Ислом Каримов мамлакатимиздаги нефть-газ конларини ўзлаштиришда нефть экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда турувчи Норвегия билан ҳамкорлик катта самара беришини таъкидлади.

Элчи Ўзбекистон-Норвегия муносабатларини янада ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзи учун шараф, деб билишини айтди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Президентига Жанубий Африка Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Собизиана Мнгкикана Ишонч ёрлиғи топширди.

Икки томонлама ҳамкорлик Ўзбекистон ва ЖАР манфаатларига мос тарзда равнақ топиб бораётир. 1997 йилнинг сентябрида Тошкентда "Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона" мавзуида ўтказилган халқаро конференцияда ЖАР вакили қатнашиб, бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаган. Айни пайтда икки мамлакатда ҳам ўзаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини яратишга қизиқиш катта.

Суҳбат чоғида иқтисодий ҳамкорликка ҳам эътибор қаратилди. АҚШнинг "Ньюмонт Майнинг" компанияси йўналиши бўйича Ўзбекистонга ЖАРдан тоғ-кон саноати ускуналари келтирилган. Мазкур компаниянинг мамлакатимиздаги фаолиятини амалга ошираётган мутахассислар орасида Жанубий Африка Республикаси фуқаролари ҳам бор. Ўзбекистонда ЖАРнинг "Голд Филдз" олтин қазиб олиш компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Расмий маълумотларга қараганда, яқинда ЖАР минерал ва энергетика захиралари вазирлиги делегацияси Ўзбекистонга келиб, тоғ-кон саноати соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилади.

**(ЎзА).**

## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари федерациясининг бош котиби Дидье Шерпител бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Музокарада асосий эътибор ушбу халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилди.

Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан мулоқот чоғида гуманитар дастурларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

Шу куни делегация аъзолари пойтахтимиздаги Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятига қарашли коллежда ҳам бўлди. Мазкур ўқув маскани талабалари билан учрашувда халқаро ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишлар ва унда Ўзбекистоннинг фаол иштироки ҳақида сўз борди.

**О.РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда навбатдаги чақирув тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилсин.

2. 1976-1985 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2003 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги чақирув комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Чақирилувчиларни тиббий текширишнинг холислиги, шу жумладан муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлаши орқали ташкил этилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 13 март.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

## Шаҳарларни гулзорлар боғлайди

Водий одамларининг таъбири билан айтганда, Фарғона билан Қуванинг ораси бир тош — 30 километр. Яқин-яқингача бу масофо асосан ўркач-ўркач, яйдоқ қирлар орасидан ўтарди. Кейинчалик йўл ёқаларида боғ-роғлар пайдо бўлди. Энди эса йўлнинг икки чети фақат гулзорлар билан қопланади. Нафақат вилоятдаги, балки водийдаги энг узун, энг чиройли гулзорни барпо этишга тошлоқлик, қувасойлик деҳқонлар, боғбонлар, соҳибкорлар ҳам ҳиссаларини қўшишяпти. Улар ўз ҳудудларидаги гулзорлар четига тош ёткизиб, бетон четанлар билан ўрашяпти. Яна бир неча кундан сўнг йўл четига уруғ сепилади, гул кўчатлари ўтқазилади. Энди қадимий Қува билан навқирон Фарғона шаҳарларини фақат тасмадай текис йўл эмас, алвон гулзорлар ҳам боғлаб туради.

Айни кунларда вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги авж паллага кирди. Фарғонани, ҳеч шубҳасиз, улкан боғ ўлкага айлантириш мумкин. Ҳар бир маҳалла, оила, хонадоннинг ўз боғи, гулзори бўлиши учун кураш умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди.

— Хўжалигимизни шаҳарнинг ғарбий дарвозаси деб аташади, — дейди Фарғона туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Аловуддин Сатторов. — ҳудудимиздан шаҳарга қадам ранжида қиладиганлар боғлар, гулзорларни оралаб ўтса кайфиятлари кўтарилади, димоғлари чоғ бўлади. Шуни эътиборга олиб, йўл четларига 1000 тупдан зиёд ноёб, манзарали арча дарахт кўчатларини ҳам ўтқаздик. 10 гектарлик боғ барпо қилдик. Йўл четидаги гулзорларга танқис, анвойи гуллар экишни режалаштириб турибмиз.

Худди шундай кайфиятни, ҳар бир туман, шаҳар, маҳалла, хонадонда кузатиш мумкин. Кўқонликлар ўтган йили тўртта эски тарихий боғни қайтадан тиклашган бўлса, бу йил асосий эътиборни латиф шаҳарнинг ҳар бир кўчасини гулзорларга айлантиришга қаратишмоқда. Шаҳардаги улкан чинорлар, бошқа дарахтлар ости яйдоқ бўлиб ётарди. Энди шу ерларга тупроқ тўшалиб майсазорлар, гулзорлар барпо этиляпти. Бу арзимас ишдай туюлади. Лекин гулзорлар гулзорларга, боғлар боғларга уланиб фусункор, такрорланмас манзара яратиши, шубҳасиз.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги муносабати билан белгиланган тадбирлар ҳам талайгина. 5 гектар янги гулзор ташкил этилади, 91 гектар эски гулзор тартибга келтирилиб, янги кўчатлар, гуллар экилади, чим бостирилади. 500 километр масофадаги ариқлар тозаланади. 130 минг туп мевали, 50 минг туп манзарали дарахтларни оқлаш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Янгидан 185 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазиш, 800 минг туп атиргул экиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга вилоятда 15 март куни ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарига ҳам қизғин тайёргарлик кўриляпти.

Халқимизнинг синалган, эътиборли тадбирида бутун вилоят аҳли иштирок этишга бел боғлаган. 440 минг ишчи бевосита ишлаб чиқариш билан машғул бўлса, 200 мингдан зиёд кишилар ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари билан банд бўлади. Ҳашардан тушиши кўзланаётган 364 миллион сўм маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СУД ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА

Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида Президент Ислом Каримов юридик-ҳуқуқий меъёрларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган мазкур сессияда баён этилган вазифалар ҳаётимизга изчил татбиқ этилиб, суд-ҳуқуқ тизимида халқаро ҳуқуқий тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Германия техникавий ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган "Суд-ҳуқуқ соҳасини демократиялаштириш ва эркинлаштириш масаласида ҳуқуқий давлатлар тажрибаси" мавзуидаги давра суҳбатида ҳам ана шу масала юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Германиядан ташриф буюрган Бремен судининг судьяси доктор Гейн Боллинг, Бремен университети илмий ходими доктор Ахим Шрам судьялар мустақиллиги, ГФРда судьяларнинг иш юритиш услуби, малака ошириши масалалари хусусида маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд ва Олий хўжалик суди судьялари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этган бу тадбир қизиқарли ва баҳс-мунозара руҳида ўтди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚОРАКЎЛЧИЛАР КЕНГАШДИ

Навоий вилояти чорвачилик бўйича республикамизда етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимиздаги қоракўл қўйларнинг қарийб эллик фоизи, яъни бир миллион бошга яқини шу ҳудудда боқилади. Шунингдек, 6 минг бошдан зиёд йилқи, 5 минг бошга яқин туя парваришланади.

Ўтган йили "Навоий қоракўл" бирлашмаси тизимидаги ўттиз беш ширкат хўжалигида тўл олиш муваффақиятли ўтди. Вилоят бўйича ҳар юз бош совлиқдан 108 тадан қўзи олинди. Бу йилги режалар янада юқори.

— Соҳада ютуқлар билан бирга муайян муаммолар ҳам мавжуд, — дейди "Ўзбекқоракўли" компанияси раиси Б.Сайитқулов. — Улардан энг муҳими чорва наслдорлигини ошириш, бу борадаги ишларни илмий ва замонавий технология асосида ташкил этишдан иборат.

Конимех туманида бўлиб ўтган вилоят қоракўлчиларининг кенгашида шу ҳақда сўз борди. Наслчиликни яхшилаш, қоракўл тери ва жунни қайта ишлайдиган қўшма ва кичик корхоналарни кўпайтириш, наслли қўчқорларни экспортга тайёрлаш, туёқ сонини кўпайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Б.Рўзиев қатнашди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**



## ПЛЁНКА фақат билиб ишлатганга фойда беради

Ер етилган майдонларда чигит экиш бошланиб кетди. Деҳқончилик ишидан бохабар одамлар «Март ойининг ўрталари бу тадбирга сал эртароқ эмасми?» дейишлари мумкин. Тўғри, илгари асосан апрелда чигит экиларди. Энди мазкур юмушнинг эртароқ муддатда амалга оширилишига битта сабаб бор. Бу — плёнка.

Ҳа, пушта устини қоплаган плёнка ҳарорат кўтарилса ернинг табиий намини сақлайди, ҳаво совиса, чигит тушган тупроқ қатламини қиздиради. Шу боис экиш одатдагидан бир неча ҳафта олдинроқ бошланади. Деҳқончиликда суяги қотганлар яхши билишади: бир кун эрта экқан ўн кун аввал йиғади.

Очиғи, бугун ҳам плёнканинг афзаллигига астойдил ишонмаётган раҳбар ва мутахассислар орамизда йўқ эмас. Лекин ундайлар мазкур технология барча шартлар адо этилгандагина чин мўъжиза ҳадя этишини ўйлаб кўришлари керак. Мана, бир неча йилдирки, Андижон вилояти пахта майдонларида юз фоиз плёнка қўлланиляпти. Натижаси август, сентябрдаги хирмонларда бўй кўрсатмоқда. Бундан ортиқ яна қандай далил керак?

Айтайлик, фарғоналиклар йил бошида 45 минг гектар ерда плёнка остига чигит экишмоқчи эди. Ён қўшнилари — андижонликларнинг тажрибасини ўрганганларидан кейин бундай майдонларни 55 минг гектарга етказишга қарор қилишди. Демак, илғор усул "таъми"ни ҳис қилишган.

"Мана, биз ҳам ишлатдик плёнкани, лекин ортиқча харажатга тушдик, фойда кўрмадик" дегувчилар ҳам учраб турибди. Барака топгур, плёнкани ишлатишда ҳам ишлатиш борда. Аввал ерни ипакдек юмшатиш, сўнг пушта олиш, чигитни гербицид билан экиш керак. Плёнка остига экишда энг катта хато — кечикиш. Шу йил 11 мартда ўтказилган сим орқали республика кенгашида айтилишича, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларида бултур 20 апрелда ҳам плёнка усулида чигит экилган. Андижонликлар пахта етиштиришда эрта муддатлар ҳисобига ютуққа эришишяпти. Наҳотки, шу оддий ҳақиқатни англаш қийин бўлса?!

Маълум бўлишича, ўтган йили Тўрткўл, Шуманай, Кегайли, Арнасой, Зомин, Мирзаобод, Оқолтин туманларида плёнка ишлатилган майдонлар ҳосилдорлиги 8,5-18 центнерни ташкил этган. Белгиланган технология ва агротехника муддатларига риоя қилинмаса, плёнка деҳқонга кўмакдош эмас, оёғига тушов бўлади. Фурсат бой берилгач, далани ўт босиб кетади. Мана бу рақамга эътибор қилинг: Оқолтин туманидаги "Фарғона" ширкат хўжалигида бултур 60 гектар ерга плёнка ишлатилган бўлса, шу дала ҳосилдорлиги 6,6 центнерга етибди. Эсиз ер, эсиз плёнка!

Эндиликда плёнканинг яна бир душмани пайдо бўлибди. Бу — чигит экишга берилган ашёни талон-тарож қилиш. Яккабоғ туманидаги Абдураззоқ Холиқов номли ширкат хўжалигининг собиқ раиси Жаббор Рўзибоев 17 тонна полиэтилен плёнкасининг 2900 килограммини ўғирлашга бош бўлибди.

Бу йил мамлакатимиз бўйича 320 минг гектар майдонда плёнка остига чигит экиш кўзда тутилмоқда. Агар ҳар гектар ерга 57 килограммдан плёнка ишлатилса, жами 18,2 минг тонна полиэтилен маҳсулот талаб қилинади. Шунча плёнка, албатта, эртаги ва сифатли пахта ҳосили олишга имкон яратиши керак. Истиқболли усул тўлиқ самара бериши учун нафақат экишгача, балки бутун вегетация даврида агротехника талабларига риоя қилиш зарур.

Хуллас, плёнкадан билиб фойдаланган доғда қолмайди.

**Ш.ЖАББОРОВ.**

## Ҳашар — элга ярашар

«Обод маҳалла йили» муносабати билан Ўрта Чирчиқ туманида ҳам кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлиги қизғин ўтказилмоқда. Айниқса, «Қорасув» фуқаролар йиғинида ташкил қилинган шундай умумхалқ ҳашарида 200 нафардан ортиқ киши иштирок этиб, бу ободонлаштириш ҳаракати давомида марказдаги «Тошкент йўли», Ж.Жабборов кўчалари, шунингдек қаровчиси йўқ, ёлғиз қариялар, ногиронлар яшайдиган хонадонлар тозаланди, тартибга келтирилди.

**Анора КАРИМОВА.**




*"Шаҳримизни боғу роғларга айлантиришга ҳисса қўшамиз!". Бу сўзлар Андижондаги «Ўз Семонг» қўшма корхонаси ишчи-хизматчиларининг шиорига айланган. Айни кунларда улар кўчат экиш, дарахтларга шакл бериш ишларида барчага ибрат бўлаётир.*

**СУРАТДА:** ***корхона ишчилари Ҳ.Қодиров ва З.Зокироволар ободонлаштириш ишлари билан машғул.***

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# ЮРТНИ КУЙЛАМОҚ БАХТИ

*2003 йилнинг февралида Тошкент шаҳрида Мустақилликнинг 12 йиллиги ва "Наврўз" умумхалқ байрамига бағишланган "Азиз она юртим наволари" миллий эстрада қўшиқлари танлови бўлиб ўтди.*

Танлов

Республикамизда иккинчи бор ўтказилган мазкур танловдан мақсад жуда катта эди. Чунончи ўзбек миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, шу соҳада ижод қилаётган ёш хонанда, бастакор ва шоирларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, мустақиллик даврига мос янги, миллий қўшиқларни оммалаштириш ҳамда ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланганди.

Танловда мамлакатимизнинг барча эстрада жамоалари, яккахон хонандалар (18 дан 32 ёшгача) қатнашдилар. Биринчи босқичда 73 нафар хонанда иштирок этди. Танлов шартига кўра улар иккита қўшиқ ижро этдилар. Аёл хонандалар бастакор Д.Илёсов қайта ишлаган "Тановор" (халқ мусиқаси, Муқимий ғазали), эркак хонандалар "Фарғона тонг отгунча" (И.Муртазоев мусиқаси, Хазиний ғазали) қўшиғини айтдилар. Иккинчи қўшиқ эстрада гуруҳи ёки хонанда репертуаридаги энг ёрқин асарлардан бири эди.

Иккинчи босқичда 40 нафар хонанда ижросида замонавий ўзбек бастакор ва шоирларининг биттадан асари билан Наврўзни, баҳорни тараннум этувчи, ёшларни гўзаллик ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи янги қўшиқ тингланди. Учинчи босқичда эса иштирокчилар аввалги босқичларда ижро этилган қўшиқлардан бирини куйладилар.

Ҳайъат аъзоси сифатида қўшиқларни тингларканман, аввало, бир нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қилдим: юрт ҳақида куйлаш бахт экан, саодат экан. Хаёлимга Ҳумоюннинг ўғли Акбарга қилган васияти тушди: "Ўғлим, сен юртдаги ёшларга суян, ғамхўрлик кўрсат.Чунки улар берадиган бойликни сенга бошқа ҳеч ким беролмайди". Зеро, ёшлар юрт қаноти. Ёшларнинг қўшиқларида ўзбек деган инсон, Ўзбекистон номли юрт бўй кўрсатиб турди. Шу ўринда Юртбошимизнинг қўшиқчилик санъатига кўрсатаётган эътибори асосида иш олиб бораётган "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳақида тўхталиб ўтмоқни жоиз топдим. Бирлашма ёш хонанда ва созандаларни излаб топиш, уларни янада илҳомлантириш борасида самарали ишламоқда. Шу билан бирга санъаткорларга қаттиқ талаблар ҳам қўймоқда. Мазкур танлов иштирокчилари қўшиқларни фонограммада эмас, балки жонли овозда ижро этгани ҳам фикримиз исботидир. Аслида бундай катта тадбирни уюштириш, хонанда, созанда ва шоирлар ҳамкорлигини таъминлаш, бошини қовуштириш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Хуллас танлов уч кун давом этди. Таниқли бастакор Б.Лутфуллаев раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Гулсанам Мамазоитова танлов ғолиби бўлди. Дилноза Мирзахўжаева ва Нодира Тўлаганова иккинчи, Лола Аҳмедова, Озода Абдуғаффорова, Зафар Қўчқоров учинчи ўринни эгалладилар. Бундан ташқари, қатор умидли хонандаларга рағбатлантирувчи мукофотлар ҳамда дипломлар топширилди. Шунингдек, бастакорнинг энг гўзал мусиқаси, шоирнинг эл-юрт, истиқлолимизни тараннум этувчи шеъри, оранжировка устасининг замонавий ва миллийликни уйғунлаштира олган асари махсус дипломлар, ҳомийларнинг мукофотлари билан тақдирланди.

Агар таъбир жоиз бўлса танлов қатнашчилари гул-у, овозлари ифор эди. Майин, нафис, мулойим, жўшқин, шиддаткор, асов овозлар. "Тановор" билан "Фарғона тонг отгунча" бу овозларнинг ҳар бирида ўзгача янгради. Борки овоз ўзининг "нимасидир" билан юракларга жойлашди. Энг муҳими умид уйғотди. Ҳалимахоним, Тамарахоним, Берта Давидова, Ҳабиба Охунова, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Ботир Зокировдек севикли санъаткорлар кашф этилишига ишонтирди.

Айни пайтда танлов миллий эстрада санъатида қатор муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Чунончи юқорида таъкидлаганимиздек иштирокчилар овози хилма-хил, ноёб ширали ва дардли. Лекин эстрада фақат овоз санъати эмас-да. Аксарият хонандаларда маҳорат етишмайди, саҳна ҳаракати ва маданияти кам. Улар устозлар элагидан ўтмаган, кўп ҳолларда ўзларини йўқотиб қўйишади. Шеър матнлари саёз, мусиқада эса миллийлик, дардли оҳанглар сезилмайди. Бундай қўшиқ, табиийки, тингловчининг на фикрини, на қалбини уйғотади. Бу гаплар кўпроқ вилоятлардан келган хонандаларга тегишли. Очиғини айтиш керак, улар билан бирор-бир ижодий ташкилот шуғулланмайди, ўз ҳолларига ташлаб қўйилган. Ўзинг учун ўл етим. Шу ўринда жойлардаги маданият ишлари бошқармалари, "Ўзбекнаво"нинг бўлимлари нима билан машғул, деган ҳақли савол туғилади. Ватан учун хизмат қилай, бирор яхши нарса ёзай, қурай, яратай деган ўй-фикрлар уларнинг хаёлларига ҳам келмаса керак. Меҳнат қилмасдан, тер тўкмасдан туриб, дарахтдан хилма-хил ширин мева олиш мумкинмикан?

Мени ҳайъат аъзоси, шоира сифатида бир нарса қаттиқ ранжитди: танловда энг паст баҳо шеърларга қўйилди. Бир-иккита шоирларни ҳисобга олмаганда, қўшиқ матнини ҳам хонанданинг ўзи ёзган ёки шеър деса шеърга ўхшамайдиган сўзлар тизмасини топиб олган. Эҳтимол, таниш-билиш "шоирлари"га ёздиришгандир. Фикримиз исботи билан бўлсин. Ёрқиной Бойжонованинг "Ҳай-ҳай бола" қўшиғи шеърини Ҳамробек Сиддиқов (шоир экан) ёзган. Мусиқа, ижро зўр. Лекин шеъри ночор. На маъно, на мантиқ, на хулоса бор:

***Ҳай-ҳай, бола, сан мани***
***Кўз тагингга оларсан.***
***Етолмасдан бир умр***
***Лабинг тишлаб қоларсан.***

Нигора Маҳмудованинг (ўзининг шеъри) Наврўз қўшиғи "ҳайратимиз"ни янада оширди:

***Қир, далалар яшил тус олган,***
***Қизил лола гиламин ёзган.***
***Баҳор келиб кўкни чорлаган,***
***Юртимизга Наврўз хуш келган.***
***Наврўз келса дилда наво яйрайди,***
***Боғларимда булбуллар шўх сайрайди.***
***Дошқозонда сумалаклар қайнайди,***
***Наврўз бизни эзгуликка чорлайди.***

Толдан, тутдан олиб ёзилган бундай шеърлар орасида "улоқ"ни Ўткир Давлатов шеъри олиб кетди. Қўшиғини Дилдора Ниёзова ижросида тингладик. Хонанданинг овози, ижроси яхши. Саҳнада гулдай очилиб кетади. Ана шу гулнинг ҳиди оғули. Назаримда, Дилдора заҳарни чиройли конфет қоғозига ўраб улашадиган маликага ўхшаб кетди:

***Ўргимчак қиз, димоғланма***
***Қоматингга қувонма.***
***Бу ўткинчи дунёларда***
***Акангларга ишонма.***

***Сани эркалаб йўллара солган***
***Оғанглара ишонма,***
***Ҳафта санга меҳрин берган***
***Аканглара ишонма.***

***Ишқ бошқа, ҳавас бошқа***
***Ҳою-ҳавасни унут.***
***Севдим деган мард йигитнинг***
***Костюмидан маҳкам тут.***

Бу қўшиқни илгари эшитмаган эканман. Ҳолатимни сезган ҳамроҳим, республикада хизмат кўрсатган артист Тожибар Азизова ажабланманг маъносида, радионинг Ёшлар каналида ҳар куни эшиттирилади деб қўйди.

Кези келганда бир гап. Танловнинг саралаш босқичлари 2003 йилнинг 10-20 январида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган. Юқоридаги қўшиқлар ва ижодкорлар саралаш босқичидан "ўтган". Олдиндан тарқатилган танлов низомида эса "Ижрочилар қўшиқларга матн танлаганларида шеърнинг ғоявий ва бадиий савиясига, мусиқа ва матннинг ўзаро уйғунлигига, тарбиявий таъсир кучига алоҳида эътибор беришлари керак", деб ёзиб қўйилган. Нима, ижрочилар Эшқобил Шукур, Абдували Қутбиддин, Гулжамол Асқарова каби шоирлар, уларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта, гўзал шеърлари борлигини билишмайдими? Ёки шеър ўқишга эринишадими? Кейинги тахминимиз тўғрироқ бўлса керак. Ижодкор ўзи шеър ёзади, ўзи мусиқа басталайди, ўзи қўшиқ айтади, тамом. Бир одам бирданига ҳам шоирлик, ҳам бастакорлик, ҳам хонандалик қобилиятига эга бўлолмаслиги билан неча пуллик иши бор?

— Танловга тақдим этилган қўшиқ матни яъни шеърларни олдиндан кўриб чиқиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратишнинг иложи йўқми? — сўрайман Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййиддан.

— Бастакорлар ва шоирлар ҳамкорлигида бадиий кенгаш тузиш лозим. Ёш хонандалар билан жиддий шуғулланилса, уларга зарур йўл-йўриқлар берилса, фойдадан холи бўлмас. Менимча ҳар қандай бастакорда шеърни тушуниш иқтидори ҳам бўлиши керак шекилли...

— Ўтказилган танлов аввалгиларидан катта фарқ қилади, — дейди «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг фестиваль ва танловлар бўлими бошлиғи Аҳмаджон Раҳимов. — Ҳатто профессионал даражада десам ҳам янглишмаган бўламан. Биз ҳар доим ёш хонандалар олдига катта талаблар қўйиб, уларга амалий ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Иштирокчилар ушбу тадбирга 4-5 ой давомида жиддий тайёрландилар. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида улар махсус яратилган янги тўртта шартли қўшиқлар ижро этишди. Бу ижрочиларнинг овоз, ижро ва артистлик маҳоратларини ҳамда саҳна ҳаракатларини очиб беришга катта имкон яратди. Биз бундай жараёнга биринчи бор эришдик ва давом эттирамиз.

Камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳол айниқса, хонандаларнинг асар танлашларида кўзга ташланади. Қўшиқларнинг матни аксарият ҳолларда талабга жавоб бермайди, куйлар оҳангдорликдан йироқ. Лекин ушбу камчиликлар изланиш ва жиддий меҳнат жараёнида барҳам топиши турган гап.

Аҳмаджон Раҳимовнинг фикрига қўшилмасдан бўлмайди. Зеро, танловдан кўнгил тўлмади, кутилган мақсадга эришилмади, дейиш нотўғри бўлур эди. Умуман олганда мўлжалланган режалар аста-секин рўёбга ошмоқда. 70 дан ортиқ хонандалар орасидан олтита истеъдодни кашф этиш, бу катта гап. Улар «Наврўз» байрами тантаналарида ўз қўшиқлари билан қатнашадилар. Келажакда уларнинг миллий эстрада санъатини юқори поғонага кўтаришларига шак-шубҳа йўқ.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Азиз она юртим наволари» миллий эстрада қўшиқлари ҳайъати аъзоси.**

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

# САМАРҚАНД ҲАҚИДА МУҲАББАТ БИЛАН

Йигирма йил аввал бельгиялик француз тилида сўзлашувчи бир гуруҳ журналист ва фотографлар томонидан Бельгияда "Voir le Monde" (Дунёни кўриб) нотижорат ассоциацияси ташкил этилганди.

Бугунги кунгача мазкур нотижорат ассоциацияга йирик нашриётлар, мамлакат банклари ҳомийлик қилиб келмоқда. Ҳар йили ушбу ташкилот турли мамлакатларга бағишланган қатор аудиовизуал репортажлар тайёрлайди. Нотижорат ассоциациянинг бу йилги режасига Самарқанд, Рим, Венеция, Патогония, Куба ва Мавритания киритилган.

...Самарқанд ҳақида диапозитив тасвирларни тайёрлаган франциялик журналист Сержио Коззи ўзининг ёзиш, суратга олиш ва сайёҳлик эҳтиросларини бирлаштирган ҳолда, Ўзбекистоннинг тарихи, мустақиллик йилларида эришган ютуқларини ҳикоя қилувчи мукаммал диапозитив тасвирларини яратишга эришган.

Диапозитив тасвирлар намойиш этилган илк дақиқалардан бошлаб, муаллиф афсонавий Самарқанд халқининг фарзанд тарбиялашига оид, шунингдек, "Минг бир кеча" эртагида тасвирланганидек, асрлар қаъридан бир неча ҳашаматли ва ажойиб мадрасалар ва саройлар ҳамда шарқона бозорларнинг жонланиши ва Ўзбекистоннинг буюк тарихий ўтмишини кўрсатишга интилади.

Тасвирнинг кириш сўзида Ўзбекистон ўлкаси Темурийлар даврида ўзига хос бой маданиятга эга бўлганлигига гувоҳлик берувчи кўҳна Буюк Ипак йўлида жойлашган нурафшон Самарқанд, Хива, Бухоронинг гуллаб-яшнаганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Тасвирлар намойиши тугаганидан сўнг Сержио Коззи томошабинлар билан ўзининг Ўзбекистонда ўтказган уч ойлик ташрифи давомида мамлакатимиздан олган таассуротлари билан ўртоқлашди. "Ўзбекистонга келган пайтимда Самарқанднинг Сиёб бозорида бўлиб, бир дона олма сотиб олмоқчи бўлдим, бироқ ҳаракатларим зое кетиб, мени ўзига тортган мевалар расталаридаги ҳар бир сотувчи биттадан олмани менинг сумкамга солиб қўйишди, сўнгра улар: сиз меҳмонсиз, биз Сиздан олманинг ҳақини олмаймиз. Ош бўлсин, дейишди. Мен ўзбек халқининг дунёдаги энг меҳмондўст халқлардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдим", — деб таъкидлади француз журналисти.

Самарқанд ҳақидаги диапозитив тақдимоти Бельгиянинг 35 шаҳрида бўлиб ўтади.

**"Жаҳон" АА.**



# Суиқасд ташкилотчиси ким?

***Сербия ҳукумати мамлакат Бош вазири Зоран Жинжичга қилинган суиқасдда асосий айбдорлардан бири полициянинг собиқ раҳбари Милорад Лукович эканлигини таъкидлаган.***

***М.Лукович «Земан» деб номланувчи жиноий гуруҳ етакчиларидан бири ҳисобланади. «Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, ҳукумат ушбу жамиятни уюштиришга дахлдорликда гумон қилинаётган яна йигирма кишининг исм-фамилияларини келтирган.***

***Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 12 март куни Сербия Бош вазири Зоран Жинжич суиқасд натижасида қурбон бўлган эди.***

# Автоҳалокат



***Италия шимоли-шарқида жойлашган Венеция ва Триестом ўртасидаги асосий автотрассадан йўлнинг яхши кўринмаслиги оқибатида 250 га яқин автомобиль бир-бири билан тўқнашди. Сўнгги маълумотларга қараганда, автоҳалокат оқибатида 11 киши ҳалок бўлган ва ўнлаб кишилар яраланган, деб хабар беради «Рейтер» ахборот маҳкамаси.***


## ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС (КЎБ-2) УЧУН КРЕДИТ ЛИНИЯСИ

**Кредитлар - $100 000 дан $1 000 000 гача**
**Йиллик фоиз ставкаси - LIBOR+Банк маржаси**
**Кредит муддати - 5 йилгача**
**Кредитни қайтариш учун 2 имтиёзли йил**
**Молиялашда тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар**
**Кредитни таъминлашда эгилувчан муносабат**

**КРЕДИТНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:**

1. АҚШ долларида бериладиган кредитлар, кредит линияси тижорат банк ҳамкорлари орқали берилади:
   - ўрта ва узоқ муддатли лойиҳалар ва (ёки)яратиш, модернизациялаш, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш ва диверсификациялаш инвестициялар дастури ҳамда хизмат кўрсатиш сектори компанияларини молиялаштириш;
   - аниқ лойиҳа ёки инвестиция дастурлари учун зарур саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари айланма капиталини ишлаб чиқариш мақсадида ёки хизмат кўрсатиш сектори компаниялари учун қўшимча ва бошланғич айланма капиталини молиялаштириш;
   - экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва эркин конвертацияланадиган валютада фойдага эга саноат корхоналарини, бундай экспорт молиялаштириш муддати 360 кундан ошмаслиги шарти билан экспорт ва экспортдан олдин молиялаштириш учун берилади.
2. **Кредитнинг энг кам миқдори - $100 000.**
3. **Кредитнинг максимал миқдори - $1 000 000.**
4. Кредитни қайтариш муддати — **5 йилгача**, **2 йил** имтиёзли муддати билан, айланма маблағлар ва экспорт кредитларидан ташқари ҳамма ажратилган кредитлар қайтариш муддати **12 ойдан ошмайди.**
5. Кредитнинг қайтариш муддати кредит олувчи ва ҳамкор банк билан бизнеснинг мавсумлиги ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.
6. Ҳамкор банкка тўланадиган **ставкаси ЛИБОР + банк маржаси** ташкил қилади. (олти ойлик US$ ЛИБОР кредит фоиз ставкаси охирги йиллари 1,7-4,0 фоиз атрофида бўлган, 2003 йил 28 февралга кўра олти ойлик US$ LIBOR миқдори 1,35 фоиз).
7. Тақдим этилган **гаров** активлари (ҳамкор банк баҳолайди)кредит бошланғич миқдорининг **120** фоизини ташкил этиши лозим. Гаров буюми сифатида банкни қониқтирган мулк, жумладан, кредит ҳисобига олинган ускуна, кўчмас мулк, транспорт воситаси ва бошқалар. Гаров кредит олувчи ёки кафил томонидан тақдим этилиши мумкин.

**КРЕДИТ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

1. Ўзбекистонда рўйхатга олинган жисмоний шахс бўлиши керак.
2. Кредит берувчи ҳамкор-банклар билан турдош бўлган корхоналар иштирок эта олмайди.
3. **Қарз/Капитал** муносабати лойиҳани амалга оширишдан аввал ва амалга ошириш жарёнида 75:25 нисбатидан ошмаслиги лозим.

**ЛОЙИҲАЛАРГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

1. Ҳар бир лойиҳа ҳамкор банк томонидан баҳоланади, бунга бизнес-лойиҳаси таҳлили ҳам киради.
2. Лойиҳа қимор ўйинлари бизнеси, тамаки маҳсулоти, алкоголь ичимликлар (таркибида >15 фоиз алкоголи бўлган), курол-яроғ ёки ЕТТБ Табиатни муҳофаза қилиш рўйхатига киритилган товар ва фаолиятига алоқадор бўлиши керак эмас.
3. Лойиҳалар ҳажми **100 000 АҚШ долларидан 1 000 000 АҚШ долларигача.**
4. Кредит олувчи лойиҳанинг **25** фоизини ўз маблағидан қоплаши зарур. Бу асосий воситалар, хомашё ва бошқа активлар, жумладан, пул маблағлари бўлиши мумкин.

**ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲАМКОР БАНКЛАРДАН ОЛИШ МУМКИН**

**Ўзбекистон ТИА Миллий банки**
Лойиҳаларни молиялаш бўлими
Тел.: (371)137-62-73.
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси,101.

**ДАТ "Асака" Банк**
Лойиҳаларни молиялаш бўлими
Тел.: (371)120-84-20, 120-83-80.
Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67.

**ДАЖ "Ўзуйжойжамғармабанки"**
Лойиҳаларни молиялаш бошқармаси
Тел.: (371)136-13-08, 133-11-22.
Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 17.

**АТ "Пахта Банк"**
Лойиҳаларни молиялаш бошқармаси
Тел.: (371)120-88-07.
Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 43.

**АТСҚ "Ўзсаноатқурилишбанки"**
Лойиҳа ва савдо молиялаштириш бошқармаси
Тел.: (371)120-45-75.
Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 3.

BIZNES LOYIHA KO'RIGI

**ҲОМИЙЛАР**

Staatssekretariat für Wirtschaft
Secrétariat d'Etat à l'économie
Segretariato di Stato dell'economia
State Secretariat for Economic Affairs
seco
ШВЕЙЦАРИЯ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ

UNIC
"ЎЗБЕКИНВЕСТ" ЭИМСК

**ТАШКИЛОТЧИ**

European Bank for Reconstruction and Development

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Швейцария Давлат иқтисодиёт қўмитаси ва "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ЕТТБ кичик ва ўрта бизнес кредит линияси доирасида **"Бизнес лойиҳалар кўриги"** бошланганлиги ҳақида эълон қилади.

"АСАКА БАНК" ДАК
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ
"ПАХТА БАНК" АК
"ЎЗСАНОАТ-ҚУРИЛИШБАНКИ"
"ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНКИ"

**ИШТИРОКИДА**

**Лойиҳалар ҳақида $100 000 дан $1 000 000**

Офисингиз учун компьютер ва оргтехника каби қимматбаҳо мукофот олиш, шунингдек, бизнесингиз учун бепул суғурта полисларига эгалик қилиш имконияти!

**Қизиқиш билдирган компания ва ишбилармонлар учун ахборот куни 2003 йил 25 март куни соат 10.00 да "Шодлик Палас" меҳмонхонаси конференц-залида бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 5.**

**Олдиндан рўйхатдан ўтиш ва қўшимча маълумот учун телефонлар:**
**(371) 136-00-55, 136-79-15**
Кўрикнинг расмий саҳифаси: **www.bpuz.com**

**Кўрикнинг PR-кординатори "SAIPRO" компанияси "UzReport.com"ва "БВВ" ҳафтаномаси ахборот кўмаги билан.**

